

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.30/03.04.2022.К.78.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВА ГУЛЖАХОН ЭШТЕМИРОВА**

**ПАЛЛАДИЙ, КУМУШ ВА СИМОБНИ  
ДИЭТИЛАМИНО-4-МЕТИЛГЕКСИН-2-ОЛ-4 ЭРИТМАСИ БИЛАН  
СУВСИЗ АМПЕРОМЕТРИК АНИҚЛАШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

**Сафарова Гулжахон Эштемировна**

Палладий, кумуш ва симобни диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4  
эритмаси билан сувсиз амперометрик аниқлаш..... 3

**Сафарова Гулжахон Эштемировна**

Неводное амперометрическое определение палладия, серебра и ртути  
раствором диэтиламино-4-метилгексин-2-ола-4..... 21

**Safarova Guljahon Eshtemirovna**

Non-aqueous amperometric determination of palladium, silver and mercury  
with a solution of diethylamino-4-methylhexine-2-ola-4..... 39

**Эълон килинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.30/03.04.2022.К.78.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВА ГУЛЖАХОН ЭШТЕМИРОВА**

**ПАЛЛАДИЙ, КУМУШ ВА СИМОБНИ  
ДИЭТИЛАМИНО-4-МЕТИЛГЕКСИН-2-ОЛ-4 ЭРИТМАСИ БИЛАН  
СУВСИЗ АМПЕРОМЕТРИК АНИҚЛАШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/K412 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.tergu.uz](http://www.tergu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Марат Мирзаевич  
кимё фанлари доктори, профессор

Абдурахманов Илхом Эргашбоевич  
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Термиз давлат университети хузуридаги PhD.03/30.04.2022.K.78.05 рақамли илмий кенгашнинг "14" 06 2023 йил соат "10<sup>00</sup>" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «02» 06 да тарқатилган.  
(2023 йил «02» 06 даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



З.З.Яхшиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Х.Р.Тиллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.д., доц.

И.Э.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда турли табиий ҳамда техноген объектлар таркибидаги рангли ва нодир металллар ионларининг миқдорини аниқлашда электрокимёвий титрлаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Шунга кўра, рангли ва нодир металллар ионларини ички комплекс бирикмалар кўринишида электрокимёвий аниқлашнинг танловчан, тезкор, усулларини ишлаб чиқиш учун янги комплекс ҳосил қилувчи органик реагентларни синтез қилиш, уларнинг электрокимёвий, физик-кимёвий, кислота-асосли хоссаларини аниқлаш, синтез қилинган кўп сонли органик реагентларнинг қимматли аналитик хоссаларга эга бўлган янги ҳосилаларини олиш, улардан аналитик усул учун энг мақбулларини танлаш ва уларнинг аналитик усулларда қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда рангли ва нодир металллар ионларини аниқлашнинг электрокимёвий усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада табиий ҳамда техноген объектлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сувлари таркибидаги рангли ва нодир металллар ионларини аниқлашда қўлланиладиган комплекс ҳосил қилувчи органик реагентлар синтези, синтез қилинган органик реагентларнинг сувсиз ва аралаш муҳитлардаги кислота-асос хоссаларини аниқлаш, улар ёрдамида рангли ва нодир металллар ионларини комплекс бирикмалар кўринишида аниқлаш, шунингдек, металл ионларининг энг кичик миқдорларини назорат қилишнинг электрокимёвий услубларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартириш»га қаратилган долзарб вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни бажаришда республикаимиз кимё саноати ва халқ хўжалигида олтин, мис, симоб каби металлларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни саноат чиқиндилари ва оқова сувлари таркибидан аниқлашнинг танловчан, самарали, тезкор ва арзон “гибрид” услубларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон ““Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831 сон “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 сентябрдаги 2493-сон “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорларининг ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда дунёда палладий, кумуш, симоб ва бошқа металлларни мураккаб аралашмалардан аниқлаш учун бир қатор электрокимёвий усуллар ишлаб чиқилган бўлсада, бу усулларнинг сезгирлиги  $10^{-5}$  мкг ни ташкил этади. Табиий ва техноген объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувлари таркибида металллар миқдорининг  $10^{-6}$  - $10^{-9}$  мкг оралиқда бўлиши сабабли, дастлаб уларни танлаб таъсир этувчан органик реагентлар ёрдамида ажратиш, концентрлаш ва тезкор, сезгир, электрокимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш талаб этилади.

Бу йўналишда S.Kiss, H.L.Kies, M.F.Guerra, R.Freddi, V.H.Stuart, G.S.Deshmukh, G.G.Bombi, D.Singh, G.Facsko, B.C.Bera, K.Kalcher, B.K.Puri, R.V.Krishna, L.Bark., A.L.Rao, Ю.А.Золотов, Л.П.Гурьева, Р.Ф.Саввин, С.Б.Цизин, Г.И.Моросанова, З.Житейко, B.Sajad, S.Z.Shoursheini, Е.И.Темердашевлар томонидан нодир металллар миқдорини аниқлашда электрокимёвий усуллардан фойдаланилган. А.S.Fisher, А.Н.Смагунова, А.М.Демкин, В.И.Широкова, P.S.Goodall, P.Jalas томонидан эса аналитик лабораторияларда ишлатиладиган рентгеноспектрал анализ усуллари ишлаб чиқилган ва нодир металлларнинг қотишмаларини экспресс- анализ қилишда қўлланилган.

Республикамызда Ш.Т.Талипов, В.А.Хадеев, А.К.Жданов, А.М.Геворгян ва Т.Қ.Хамрокуловлар инверсион вольтамперометрия усули ёрдамида олиб борган илмий изланишлари электрокимёвий анализ усуллари, жумладан, электрокимёвий концентрлашга, Х.Т.Шарипов ва Р.Х.Джиянбоева, Н.Т.Туробов, томонидан эса сорбцион концентрлаш технологияси ишлаб чиқилган. А.М.Насимов Э.Абдурахманов, О.Ф.Файзуллаев, Д.М.Аронбаев, С.Д.Аронбаев, Х.Х.Тураев, З.А.Сманова, Н.Қутлимурудова ва

Х.Б.Раҳматовларнинг илмий ишлари металл ионларини тезкор аниқлашнинг электрохимёвий услубларини ривожлантиришга қаратилган. Бу ишларнинг барчаси рангли ва нодир металллар ионларини электрохимёвий усуллар билан аниқлашда уларни экологик ва аналитик мақсадда қўллаш учун амалий тадқиқотлар олиб бориш ўта муҳим эканлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф.22.7 “Селектив органик реагентлар синтези” (2012-2016 йй.) ва А.12.53 “Атроф-муҳит объектларида экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий объектлар ва саноат материаллари таркибидаги палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) ионларининг миқдорини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан сувсиз ва аралаш муҳитларда амперометрик титрлаш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диэтиламино-4-метил-гексин-2-ол-4 (ДЭАМГО) ва унинг Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини амперометрик титрлаш (АТ) усулида аниқлашнинг мақбул шароитларини топиш;

синтез қилинган органик реагентлар анодли тоқларининг табиатини платина дискли микроанодда аниқлаш;

палладий(II), кумуш(I), симоб(II) ионларини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан амперометрик титрлаш натижаларига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш;

палладий(II), кумуш(I), симоб(II) ионларини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини аниқлашнинг мақбул шароитини топиш, ҳалақит берувчи ионларни бартараф этадиган амперометрик услубларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган услубларни табиати турлича бўлган индивидуал, бинар, учламчи ва мураккаб модели аралашмалар, оқова сувлар, руда, шлам ҳамда қотишмаларнинг анализидида қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пўлат ва қотишмаларнинг стандарт намуналари, концентратлари, саноат корхоналарининг чиқиндилари, оқова сувлар таркибидаги палладий(II), кумуш(I), симоб(II) ионлари, турли хилдаги минерал рудалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли объектлар таркибидаги палладий(II), кумуш(I), симоб(II) ионларининг микромиқдорларини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ёрдамида амперометрик титрлаб аниқлаш жараёнлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Амперометрия (бир ва икки индикатор электродли), вольтамперометрия, полярография, кулонометрия, потенциометрия, кондуктометрия каби замонавий электрохимёвий усуллар,

шунингдек, олинган натижаларни математик, статистик ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ва унинг Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионлари билан комплексларини электрооксидланиши айланувчи платинали микродискли анодда сувсиз ва аралаш муҳитларда вольтамперометрик аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан амперометрик титрлашнинг мақбул шароитлари топилган ва титрлаш эгрисининг шакли ва натижаларига турли омиллар таъсири аниқланган;

Pd(II), Ag(I), Hg(II) ионларини сирка кислотаси ва уни 50 ҳажм% хлороформ билан аралашмаси, 30 ҳажм% бензол, 25 ҳажм% углерод тўртхлорид, 20 ҳажм% гексан муҳитларида титрлаб миқдорий аниқлашда фон электролит сифатида 0,20М литий перхлорат олинган ва электродлардаги кучланиш 0,95 В ни ташкил қилиши аниқланган;

Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларининг микромиқдорларини уларнинг индивидуал, бинар, учламчи ва мураккаб эритмалари таркибидан диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан амперометрик титрлаш ёрдамида нисбий стандарт четланиши 0,008 дан ошмаган миқдорий таҳлил услублари ишлаб чиқилган ва мертрологик кўрсаткичлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

платина дискли микроанодда кислота-асосли хоссалари турлича бўлган фон электролитларда сувсиз сирка кислотаси ва унинг инерт эриувчилар билан аралашмаларида диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ва унинг Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) комплексларининг вольтамперометрик хоссалари аниқланган;

табиати турлича бўлган фонларда платина дискли микроанодда диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 битта молекуласининг электрооксидланишида электрон донорлик сони ва анод тоқларининг табиати аниқланган;

диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси ёрдамида Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларини амперометрик титрлашнинг мақбул шароитлари учун реагент, металллар ионлари концентрацияси, титрланадиган муҳитлар ва фон электролитлари таркиби танланган;

ишлаб чиқилган сувсиз муҳитларда амперометрик титрлаш услубининг сезгирлиги, аниқлиги ва танловчанлиги техноген эритмалар таркибидаги Pd(II), Ag(I), Hg(II) ионларини экстракцион концентрлаш ва ажратиш ёрдамида оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижалар, «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш» каби классик аналитик усуллар, вольтамперометрик, кондуктометрик, потенциометрик ва бошқа замонавий физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланган, шунингдек, табиий ва техноген объектларнинг реал намуналари давлат стандарт намуналари билан солиштирилган, математик, статистик

ҳамда квант-механик усулларда қайта ишланган, ишлаб чиқилган услублар саноат корхоналарининг аналитик лабораторияларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувсиз ва аралаш муҳитлар, селектив аналитик титрант – ДЭАМГО ёрдамида Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларни юқори метрологик тавсифли, сувсиз сирка кислотали муҳитларда кислота-асосли хоссалари ҳар хил бўлган фон электролитларда аниқлаш услуби ишлаб чиқилганлиги ҳамда илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амперометрик усуллар ёрдамида ноорганик материаллар (рудалар, қотишмалар, шламлар ва бошқалар) таркибидаги Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларини топилишининг қуйи чегараларида юқори аниқлик, танловчанлик ва тезкорлик билан миқдорий таҳлил қилиш имконини беради, шунингдек, турли табиий объектлар ва саноат материаллари таркибидаги Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларининг миқдорларини самарали аниқлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табиий ва техноген объектларда палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) ларни диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан сувсиз ва аралаш муҳитларда амперометрик титрлаш бўйича олинган натижалар асосида:

симоб(I) нинг миқдорини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан сувсиз ва аралаш муҳитларда амперометрик титрлаб аниқлашнинг ишлаб чиқилган усули «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётда қўлланилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2021 йил 30 ноябрдаги 926/ГК-11-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул табиий ва техноген объектлар таркибидаги симоб(II) нинг микромиқдорини аниқлаш имконини берган;

палладий(II) ва кумуш(I) миқдорларини диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ёрдамида сувсиз амперометрик титрлаб аниқлашнинг ишлаб чиқилган усули «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2021 йил 27 декабрдаги 1054/ГК-12-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул ёрдамида стандарт намуналар таркибидаги палладий(II) ва кумуш(I) ионлари аниқланишининг қуйи чегарасини бир тартибга камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 2 та Республика ва 5 та хорижий журналларда илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Турли бирикмалар ёрдамида палладий(II), кумуш(I), симоб(II)ни электрохимёвий аниқлаш (адабиётлар шарҳи)»** номли биринчи бобида турли муаллифлар томонидан нодир металлар ва симоб(II)ни хелат ҳосил қилувчи ва бошқа комплексонат эритмалари билан сувсиз ва аралаш муҳитларда аниқлашнинг таклиф қилинган амперометрик усулларни сезгирлиги, аниқлиги, селективлиги, экспресслиги, аниқланадиган миқдорларнинг диапазонида кўра табиий объектлар ва саноат материалларини таркибини назорат қилишнинг усулларига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Шунинг учун нодир металларга ва симобга нисбатан амперометрик титрлаш (АТ) да турли табиий объектларда аниқлаш учун аналитик реагентлар сифатида ишлатиш учун янги маҳсус ва танловчан комплекс ҳосил қилувчи ва бошқа органик ва ноорганик реагентларни синтез қилиш зарурлиги таъкидланган. Бу эса тадқиқот объектини белгилаб беришга амалий ёрдам берди.


Диссертациянинг **«Палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) ионларини ДЭАМГО эритмаси билан амперометрик аниқлашда қўлланиладиган қурилмалар ва реактивлар, усуллар (тажриба техникаси)»** номли иккинчи бобида органик реагентлар ва уларнинг металлокомплексларини ўрганишда ишлатиладиган аппаратура ва ёрдамчи қурилмалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Илмий-тадқиқот ишларини лаборатория шароитларида ва саноат масштабларида самарали ва маҳсулдор ўтказиш учун юқори тозаликдаги реагентларга, эритувчиларга ва тридистилланган ёки деионлашган сувга, аниқланадиган ва бегона металларни стандарт эритмаларига, титрланадиган реагентлар стандарт эритмалари тайёрлаш методларини келтирилган.

Диссертациянинг учинчи **«Сувсиз ва аралаш муҳитларда платинали дискли микроанодда ДЭАМГО ни электрохимёвий табиати»** деб номланган бобида бир ёки иккита қаттиқ индикаторли электродлар билан исталган (сувли, сувсиз, аралаш) муҳитда АТ усулларини ишлаб чиқишда, аниқланадиган ионларнинг ва ишлатиладиган реагентнинг ва унинг комплексини вольтамперометрик табиатини ўзига хос томонлари ўрганилди.


Платинали микродискли электродда протоген эритувчи-сирка кислотада 0,25 М натрий ва калий ацетатлари, перхлорати, литий хлориди ва нитрати фониди ДЭАМГОни электрохимий хоссаларини ўрганган вақтда шу нарса аниқландики, у кўрсатилган фонлар учун: 1,18; 1,17; 1,50; 1,31 ва 1,22 В (1-расм) тенг бўлган яримтўлқин потенциалларига эга бўлган битта анодли тўлқин беради.



а



б



в

**1-расм.** Турли фон электролитларда сирка кислотада ДЭАМГОнинг ( $2 \cdot 10^{-4}$  моль/л) вольтамперограммалари:  
 а) 0,25М калий ацетат;  
 б) 0,20М литий перхлорат;  
 в) 0,15М литий нитрат;  
 1–фон токи,  
 2–фон токига мослаштирилмаган реагент тўлқини,  
 3–фон токига мослаштирилган реагент тўлқини,  
 4–кислородни қайтарилиш тўлқини.

ДЭАМГО чегаравий токиниг катталиги билан унинг концентрацияси ўртасидаги тўғри пропорционал боғлиқлик ўрганилган сувсиз эритмалар ва фон электролитлар учун  $2 \cdot 10^{-2}$  -  $2 \cdot 10^{-5}$  М концентрациялар оралиғида яхши рия этилади. ДЭАМГО битта молекуласининг оксидланишида электронодонорликнинг сони кулонометрик токни вақтга боғлиқлик графигидан электр токининг миқдорини аниқлаш усули бўйича топилди.

Аниқланган қонуниятлар таҳлил қилинган эритмаларни термостатлаш зарурлигини аниқлаш учун муҳимдир. Барча ўрганилган муҳитда ДЭАМГО платина дискли микроанодда электрооксидланиш жараёни қайтмас эканлиги ва битта электроннинг чиқиши билан кечиши аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

Сирка кислотаси ва турли хил табиатли фон электролитларда платина микродискли анодда битта ДЭАМГО молекуласининг оксидланишида иштирок этадиган электронлар сонини аниқлаш натижалари  
( $V_o=80,0$  мл,  $V_k=250$  мл,  $a=12,5$  с/мм,  $b=0,047$  мА/мм)

Эритувчи	Фон электролитнинг табиати ва концентрацияси, моль/л	$S_i$ , мм <sup>2</sup>	E, В	$C_o$ , моль/л	$C_k$ , моль/л	"n"
Сирка кислота	0,25 CH <sub>3</sub> COOK	1009	1,11	0,1809	0,1099	0,97
	0,25 CH <sub>3</sub> COONa	1012	1,20	0,1737	0,1087	0,98
	0,15 LiNO <sub>3</sub>	11405	1,24	0,1431	0,0722	1,01
	0,15 LiCl	12241	1,41	0,1539	0,0804	1,02
	0,20 LiClO <sub>4</sub>	11496	1,52	0,1607	0,0901	1,03

Платинали микроанодда ДЭАМГО электрооксидланишида электродли реакцияда иштирок этадиган электронлар сонини аниқлаш учун ва бу жараёни қайтарлиги ва қайтмаслигини исботи учун кислота-асосли хоссалари турлича бўлган фон электролитларда ва сувсиз протолитик Муҳитда - сирка кислотада унинг вольтампер эгрларининг логарифмик таҳлили қўлланилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

Платинали микроанодда сирка кислота муҳитида ДЭАМГО оксидланишининг вольтамперограммаларини логарифмик таҳлиллари натижалари


Эритувчи	Фоннинг табиати ва концентрацияси, моль/л	Электроднинг айланиш тезлиги, айл/мин	P	$y=a+Be$ $x_i = -E; y = \lg \frac{I}{I_d - I}$	$E_{1/2}$ , В	$\alpha n$
Сирка кислота	0,25 CH <sub>3</sub> COOK	1085	12	$y=-4,9831+3,2461 \cdot x$	1,10	0,16
	0,25 CH <sub>3</sub> COONa		13	$y=-3,5302+3,0173 \cdot x$	1,19	0,17
	0,15 LiNO <sub>3</sub>		13	$y=-2,7165+2,1732 \cdot x$	1,23	0,12
	0,15 LiCl		11	$y=-3,8882+2,8562 \cdot x$	1,40	0,18
	0,20 LiClO <sub>4</sub>		12	$y=-5,0600+3,5391 \cdot x$	1,51	0,20

Жадвалдан кўриниб турибдики, тўғри чизиқ оғиш бурчагидан топилган электрод реакцияда иштирок этаётган электронлар сони кулонометрик усулда топилган ҳақиқий сонидан анча кичик (1), бу яна бир бор ўрганилган сирка кислотаси муҳитида ДЭАМГО электрооксидланиш жараёнининг қайтмаслигидан дарак беради.

ДЭАМГО оксидланишининг анодли токининг табиатини аниқлаш учун биринчи навбатда деполяризаторнинг чегаравий токининг катталигини дискли микроаноднинг айланишлари сонига боғлиқлигини топиш зарур. 25°Сда ва электроднинг хар хил айланишлари сонидан (380, 725, 1085, 1400

айл/мин) олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, реагентнинг оксидланишини чегаравий токининг катталиги дискли микроаноднинг айланишлари сонига тўғри пропорционал (расм 2). Бир молекула ДЭАМГО платинали микродискли анодда сирка кислота муҳитида электрооксидланишининг чегаравий токи кучини табиати турлича бўлган фон электролитлар иштирокида электроднинг мин. айланишлари сонининг квадрат илдизига боғлиқ.

Барча тўртта экспериментал нуқталар, электроднинг турли айланишлари сонига жавоб беради, улар координаталар бошидан ўтган тўғри чизиққа яхши жойлашади, бу ДЭАМГОни платина дискли микроанодда электрооксидланишининг чегаравий токининг диффузион характерга эга эканлигини англатади (2-расм).



**2-расм.** ДЭАМГО оксидланиш чегаравий токининг  $\text{CH}_3\text{COOH}$  да  $\sqrt{m}$  (айл/мин)<sup>1/2</sup> га боғлиқлиги. Фон концентрацияси, моль/л: 1, 1' – 0,20 M  $\text{LiNO}_3$ ; 2, 2' – 0,25 M  $\text{CH}_3\text{COOK}$ ; 3, 3' – 0,20 M  $\text{LiClO}_4$ ; 4, 4' – 0,15 M  $\text{LiCl}$ . Концентрация ДЭАМГО, Моль/л: 1, 2, 3, 4 -  $2 \cdot 10^{-4}$ ; 1', 2', 3', 4' -  $4 \cdot 10^{-4}$ .

**металларни амперометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш ва шароитларини оптималлаштириш»** деб номланган бобида  $\text{Pb(II)}$ ,  $\text{Ag(I)}$  ва  $\text{Hg(II)}$  ни аралаш муҳитда органик реагентлар ёрдамида аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш ва улардан олинган натижалар ҳақида маълумотлар келтирилган.


Ўрганилган протолитик муҳитларда инерт эритувчиларнинг концентрациялари 5–70 ҳажм% да бўлади. Олинган маълумотлардан баъзилари 3-расмда келтирилган, уларга кўра хулоса қилиш мумкинки, табиатига кўра хар хил бўлган инерт апротон эритувчиларнинг қўшимчалари барча ўрганиладиган

Битта молекула ДЭАМГО платина микродискли анодда оксидланишининг чегаравий токининг катталигини синалаётган сувсиз сирка кислота эритмаларининг ҳароратига ҳам боғлиқ. Масса алмашинуви тезлиги бўйича ДЭАМГО оксидланишининг топилган анодли токининг чегараси барча ўрганилган фон электролитлари ва ишлатилган протолитик эритувчи  $\text{CH}_3\text{COOH}$  учун ўрнатилди. Ушбу хулоса, шунингдек ҳароратнинг 24 - 40°C оралиғида топилган ва ҳар бир градусга 3,5 - 4,5% бўлган ДЭАМГОнинг чекланган электрооксидланиши чегаравий токининг ҳарорат коэффицентининг топилган ўртача қиймати билан тасдиқланади.


Диссертациянинг туртинчи «ДЭАМГО эритмаси ёрдамида

тизимларнинг электр ўтказувчанлигига адекват таъсир қилмайди. Одатда, сувсиз ва аралаш эритмаларнинг электрохимёси ва физикавий кимёсида ўринли бўлган барча қонуниятлар ва корреляцияларга риоя қилинади.

Ўрганилган инерт эритувчиларни (метилэтилкетондан ташқари) табиати турлича бўлган индифферент тузлар тутган протолитик эритувчига қўшилиши, эритманинг қаршилигини ортишига (электрўтказувчанлигини камайишига) олиб келади, айниқса углерод тўрт хлорид кучли таъсир кўрсатади, хлороформ ва бензол кучсиз.



**3-расм.** Электрўтказувчанликни сирка кислотатада 0,25 М СН<sub>3</sub>СООК фонда инерт эритувчининг табиати ва концентрациясига боғлиқлиги:  
1 – углерод тўрт хлорид;  
2 – хлороформ; 3 – бензол; 4 – метилэтилкетон.



**4-расм.** Палладий(II), кумуш(I), симоб(II)ни ДЭАМГО эритмаси билан 0,25 М калий ацетатни сирка кислотатадаги фонда АТ эгрилари

Экстрактларда ва органик объектларда палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) ионларини иккита индикаторли электродлар билан аниқлашнинг таклиф қилинаётган амперометрик усулнинг имкониятларини ўрнатиш мақсадида титрланадиган эритмага инерт апротонли эритувчиларнинг: ССl<sub>4</sub>, СНСl<sub>3</sub>, С<sub>6</sub>Н<sub>6</sub>, С<sub>4</sub>Н<sub>8</sub>О ортиб бораётган микдорларини таъсири, металл ионларини ДЭАМГО эритмаси билан титрлаш натижаларига ва шароитларига таъсири ўрганилди. Аниқлашлар аввал оптималлаштирилган шароитларда олиб борилди, лекин фарқ шуки, протолитик эритувчининг бир қисми (сирка кислота) инерт эритувчиларга алмаштирилди (10,0 дан 60 ҳажм%) (3-расм).

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бошқа ўрганилган катионлардан фарқ қилиб, палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) катионлари ДЭАМГО эритмалари билан тез титрланади; бунда АТ эгрилари аниқ чиқади, ТСН га яқин соҳада бироз эгилиши кўзатилади. Бошқа сувсиз муҳитдаги каби, сирка кислотатада комплексларнинг ҳосил бўлиш даражаси лионий ионларини концентрацияларини ортиши билан камаяди (водороднинг сольватланган

ионлари– $\text{CH}_3\text{COOH}_2^+$ ), бу ўрганилган металлнинг ионларини титриметрик аниқлашларини танловчанлигини эритманинг кислоталилигини бошқариш орқали осонлик билан бошқариш мумкин (4-расм).

Аниқланган таъсир эритувчилар аралашмасидан фойдаланилганда янада яққол намоён бўлади. Сирка кислотаси муҳитида жуда мустаҳкам комплекслар ҳосил қиладиган асл металллар ва симоб ионларининг АТ эгри чизиқларида силлиқ айланасимон соҳаларнинг кенгайиши, калий ацетатнинг концентрациялари 0,5М бўлган ўрганилаётган аралаш муҳит учун ўринли бўлиб, у э.н.га катта таъсир кўрсатмайди.

0,6М дан катта миқдордаги фон титрлашнинг эгри чизиқларини аниқлиги камайиб кетиши ТСН топишнинг график усулидан фойдаланишга имкон бермайди (3-жадвал).

### 3-жадвал

Кумуш(І)нинг турли миқдорларини 0,1М ДЭАМГО эритмаси билан АТ натижалари ( $\Delta E = 0,75 \text{ В}$ )


Фоннинг табиати ва концентрацияси	Кирилди Ag(I), мкг	Топилди Ag(I), мкг ( $P=0,95; \bar{x} \pm \Delta X$ )	n	S	S <sub>r</sub>
1,02 М $\text{CH}_3\text{COOK}$	2,12	2,09±0,27	4	0,17	0,081
	5,04	5,10±0,57	3	0,23	0,045
	40,32	40,78±1,12	3	0,45	0,011
1,22 М $\text{CH}_3\text{COONa}$	8,60	8,52±0,47	3	0,19	0,022
	12,59	12,43±0,60	4	0,38	0,031
	34,45	34,58±0,56	4	0,35	0,010
0,94 М $\text{LiClO}_4$	10,72	10,76±0,24	3	0,10	0,009
	15,70	15,68±0,15	3	0,06	0,004
	62,83	62,90±0,21	4	0,13	0,002

Литий нитратнинг турли хил концентрацияларини эгри чизиқнинг тўғри чизиқли бўлаги соҳасига ва ўнг шохчасининг қиялигига таъсир этиш тавсифи литий нитратнинг кичик концентрацияларида соҳаларида намоён бўлади. Бу литий нитратни диссоциланишини юқори даражаси билан изоҳланади, унга кўра титрланадиган эритмани ом қаршилиги унинг концентрациясини камайиши билан ортиб боради (5-расм).


Металл ионларини сувнинг ўзгарувчан миқдорлари иштирокида титрлаш, айнан шу элементларни уларнинг индивидуал эритмаларида АТ каби ўтказилди, фақат сирка кислотанинг бир қисми сувга алмаштирилди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, титрлаш эгри чизигининг ҳажмлар ўқиға оғиши сувнинг миқдорини 5,0 дан 26 ҳажм%гача бўлган қийматларда ҳам деярли ўзгарди (расм б).

Хлорат кислотанинг турли концентрацияларини ДЭАМГО билан кучсиз комплекслар ҳосил қиладиган палладий(ІІ), кумуш(І), симоб(ІІ)ларни сувсиз

муҳитларда титрлашга таъсирини батафсил ўргандик: сирка кислотаси ва уни 50 ҳажм% хлороформ билан аралашмаси, 30 ҳажм% бензол, 25 ҳажм% углерод тўртхлорид, 20 ҳажм% гексан. Хлорат кислотанинг турли миқдорлари иштирокида титрлашлар қуйидаги мақбул шароитларда олиб борилди: фон электролит сифатида 0,20М литий перхлорат олинди, электродлардаги кучланиш 0,95 В ни ташкил қилди. Хлорат кислотанинг концентрацияси 0–0,20 М оралиқда олинди, олинган натижаларга кўра улар нисбатан аниқ.



**5-расм.**  $\text{CH}_3\text{COOH}$  ва  $\text{CHCl}_3$  (1:1) аралашмада  $\text{LiNO}_3$  турли концентрациялари иштирокида ДЭАМГО эритмаси билан  $\text{Hg(II)}$  АТ эгри чизиқлари.  $\text{LiNO}_3$  миқдори, Моль/л: 1 – 0,031; 2 – 0,062; 3 – 0,125; 4 – 0,250



**6-расм.** Сув миқдорларининг кумуш(I) ни сирка кислотада ДЭАМГО эритмаси билан титрлаш эгриларини шаклига таъсири фон 0,20 М  $\text{CH}_3\text{COOK}$  Сув миқдори, ҳажм. %: 1 – 60,0; 2 – 50,0; 3 – 40,0; 4 – 0; 5 – 20,0; 6 – 25,0

#### 4-жадвал

53,20 мкг Палладий(II)ни 0,25М калий ацетат фонида ДЭАМГО эритмаси билан бегона катионлар иштирокида сирка кислотада АТ натижалари ( $\Delta E = 0,75 \text{ В}$ )

Бегона катион, "М"	$\frac{[M]}{[Pd^{2+}]}$	Топилди $\text{Pd(II)}$ , мкг ( $P = 0,95; \bar{x} \pm \Delta X$ )	n	S	$S_r$
Никель(II)	1400	53,45±0,74	5	0,60	0,011
Мис(II)	1200	54,10±0,65	5	0,52	0,010
Кадмий(II)	800	54,30±1,35	4	0,85	0,016
Рух(II)	1400	53,28±1,43	4	0,90	0,017
Кобальт(II)	1500	52,80±1,03	4	0,65	0,012
Темир(III)	1100	53,62±1,19	5	0,96	0,018
Марганец(II)	900	53,18±1,14	4	0,72	0,014
Қалай(II)	1200	54,05±1,08	4	0,68	0,012

Асл металллар ва симобни микрограмм миқдорларини юқорида кўрсатилган сувсиз муҳитларда титрлашнинг статистик ишлов берилган натижалари, уларнинг юқори даражада қайта тикланувчанлиги ва тўғрилигидан далолат беради. Металлларнинг топилган миқдорлари уларни киритилган миқдорларига мос келади ва бирор бир ҳолатда ишонч интервалдан ташқарига чиқмайди, бу эса яна бир марта ишлаб чиқилган усулларни нисбий стандарт четланиш 0,008 дан ошмаганда аниқлигидан далолат беради.

Таҷрибалар шуни кўрсатдики, темир(II), кўрғошин(II), индий(III), скандий(II), осмий, иридий, родий, рутений исталган миқдорларида ўрганилган металлларни ДЭАМГО эритмаси билан титрлашга ҳалақит бермайди. Кўпгина оғир металллар титрлашга ҳалақит бермаганлиги туфайли, мисол тариқасида 4-жадвалда Pd(II)ни ДЭАМГО эритмаси билан турли бегона катионлар иштирокида аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг бешинчи «Палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II)ни аниқлашнинг ишлаб чиқилган амперометрик усулларини аналитик қўлланилиши» деб номланган бобида тадқиқот давомида аниқланган хусусиятлар ва фон электролитлар, инерт эритувчилар, кислоталар ва бошқа омилларнинг табиати ва концентрациясини палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II) ни ДЭАМГО эритмаси билан АТ натижаларига, эгри чизик шаклига таъсири, жуда кўп миқдордаги бегона металл ионлари ва ҳалақит берадиган комплексонатлар иштирокида уларни аниқлаш имконияти борлигини тахмин қилишга асос берди. Бу тахминларни амалга ошиши учун 4-бўлимда бегона катионларни, ҳалақит берадиган анионлар ва комплексловчи бирикмаларни металл ионларини титрлаш эгри чизиклари шаклига ва натижаларига таъсири ўрганилди.

#### 5-жадвал

Палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II)ни сирка кислотада ДЭАМГО эритмаси билан сирка кислотада 0,25М калий ацетат фонида модель аралашмаларда АТ натижалари

Таҳлил қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилди Me, мкг (P=0,95; $\bar{x} \pm \Delta X$ )	N	S	S <sub>r</sub>
Pd(26,60)+Ir(4,76)	26,65±0,60	5	0,48	0,018
Pd(26,60)+Rh(0,68)+Pt(0,74)	26,52±0,51	4	0,32	0,012
Pd(79,80)+ Bi(10,45)+Ru(6,51)	80,76±1,27	4	0,80	0,010
Pd(79,80)+Ru(50,14)+Ni(48,60)+Co(72,35)+Cu(96,50)	80,48±0,93	5	0,75	0,009
Pd(106,40)+Cu(62,48)+Cd(114,54)+Bi(36,71)+ Rh(12,38)+Ru(2,44)	107,35±1,46	4	0,92	0,009
Pd(106,40)+ Bi(1,56)+Rh(0,48)+Ru(0,68)+Pt(0,95)	105,84±1,34	5	1,08	0,010

### 5-жадвалнинг давоми

Таҳлил қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилди Me, мкг (P=0,95; $\bar{x} \pm \Delta X$ )	N	S	S <sub>r</sub>
Ag(13,47)+Co(27,43)+ Bi(8,14)+In(20,82)	13,05±0,29	4	0,18	0,014
Ag(26,94)+Ru(16,35)+Ir(21,47)+Co(14,55)+Y(10,77)	27,33±0,35	4	0,22	0,008
Ag(40,41)+Bi(50,41)+Ni(16,64)+Co(18,20)+Si(5,49)+Mn(7,34)	40,01±0,43	5	0,35	0,009
Ag(53,88)+Cd(80,14)+Te(5,90)+Sr(3,26)+In(4,70)+Se(20,75)	54,21±0,51	5	0,41	0,007
Hg(25,07)+Sc(4,85)	25,42±0,40	5	0,32	0,012
Hg(25,07)+Mg(20,55)	24,65±0,45	4	0,28	0,011
Hg(50,14)+Cd(35,62)+Ir(10,58)	50,51±0,72	4	0,45	0,009
Hg(50,14)+Pt(6,45)+Ni(28,50)	49,85±0,66	5	0,53	0,011
Hg(75,21)+ Bi(10,45)+ Al(144,57)	75,96±0,56	5	0,45	0,006
Hg(75,21)+Zn(150,40)+Sc(16,55)+Ga(2,75)	74,71±0,83	5	0,67	0,009

Амалий жиҳатдан электроаналитик кимё металл ионларини экстрактларда аниқлаш экспресслигини анчага оширадиган экстракцион амперометрик титрлаш усулининг муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Экстрактлар элементларни экстракцион ажратиш ёки концентралаш ёрдамида ёки сувда эримайдиган органик материалларда олинади.

### 6-жадвал

Симоб(II), кумуш(I)ни ДЭАМГО эритмаси билан сунъий аралашмаларда 0,25М калий ацетат ва 0,20М литий перхлоратни сирка кислотадаги фониди АТ натижалари ( $\Delta E=0,15$  В ва 0,95 В)

Титрланадиган металлни табиати ва миқдори, мкг	ТСН индикацияси усули	Топилди Me, мкг (P=0,95; $\bar{x} \pm \Delta X$ )	n	S	S <sub>r</sub>
Hg(100,29)+Al (7,60)+Sm(1,80)+Mg(18,65)	симоб(II)ни қайтарилиш токи бўйича	100,45±0,60	5	0,48	0,005
Hg(100,29)+ Ni(60,76)+Pb(22,15)		101,12±0,86	4	0,54	0,005
Hg(50,14)+Nb(65,12)+Sc(43,18)+Cd(30,52)	ДЭАМГО оксидланиш токи бўйича	50,02±0,46	4	0,29	0,006
Hg(50,14)+Ca(15,70)+Co(44,82)+Yb(19,65)		50,24±0,60	4	0,38	0,008
Hg(50,14)+Pt(31,12)+Sm(18,50)		50,18±0,33	5	0,27	0,005
Ag(26,96)+ Al(45,90)+Bi(60,38)	Кумуш(I)ни қайтарилиш токи бўйича	26,90±0,49	4	0,31	0,012
Ag(26,96)+Mg(40,54)+Pt(25,60)+Ir(85,15)		27,08±0,35	5	0,28	0,010
Ag(26,96)+Tl(90,11)+Nb(42,33)+Ru(80,05)	ДЭАМГО оксидланиш токи бўйича	26,81±0,45	5	0,36	0,013
Ag(26,96)+Y(61,74)+ Rh(82,56)+Sr(90,27)		27,14±0,52	4	0,33	0,012
Ag(26,96)+Sn(44,12)+Ca(36,28)+Nd(51,18)		26,75±0,51	5	0,41	0,015

Палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II)ни сувли ва аралаш муҳитларда ДЭАМГО эритмаси билан АТнинг юқорида кўрсатилган афзалликлари махсус қотишмалар, рудалар, заргарлик махсулотлари ва металлургия соҳасининг баъзи бир бошқа материалларини таҳлилида амалда қўлланилди.

### 7-жадвал

Реал объектлардаги палладий(II) ва кумуш(I)ни амперометрик титрлаш натижалари

Таҳлил қилинадиган материал	Металларни паспорт бўйича миқдори, масс. %	Топилди Me, масс. % ( $P=0,95; \bar{x} \pm \Delta X$ )	n	S	S <sub>r</sub>
Бойитилган шлам	Pd(2,27)	2,27±0,12	5	0,097	0,043
	Ag(13,81)	13,76±0,10	4	0,063	0,004
Бойитилган шлам	Pd(1,08)	1,09±0,07	4	0,046	0,042
	Ag(10,82)	10,91±0,19	3	0,078	0,007
Бойитилган шлам	Pd(3,26)	3,20±0,06	5	0,049	0,015
	Ag(5,16)	5,28±0,12	4	0,076	0,014
Дум (қолдик)ХО-1-92	Pd(0,43)	0,46±0,10	4	0,067	0,145
Қотишма ПСП-1-82	Ag(0,83)	0,84±0,05	5	0,039	0,046

Палладий(II) ва кумуш(I)ни реал объектларда ДЭАМГО эритмаси билан аниқлашнинг олинган натижаларидан баъзилари 7-жадвалда келтирилган. Олинган натижалар манбаларда келтирилган усулларга кўра статистик қайта ишланди. Реал объектларнинг таҳлили натижаларига кўра, палладий(II) ва кумуш(I)ни ишлаб чиқилган амперометрик усулда аниқланган ва  $t_{0,95}$  бўйича текширилганда топилган миқдорлари қийматлари ўртасидаги тизимли фарқ аниқланмаган, бу олинган натижаларни тўғрилиги ва қайта тикланувчанлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

### ХУЛОСАЛАР

1. Pd(II), Ag(I) va Hg(II) ионларининг микромиқдорларини уларнинг индивидуал, бинар, учламчи ва мураккаб эритмалари таркибидан диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси билан сувсиз муҳитларда амперометрик титрлаш шароитлари услуби ишлаб чиқилди ва мақбул шароит сифатида палладий(II) иони учун барча ўрганилган муҳитларда ва фон электролитларда; кумуш(I)иони учун ацетатли, хлоридли, нитратли фон электролитларда ( $LiClO_4 + HClO_4$  дан ташқари); симоб(II) иони учун ацетатли ва нитратли фон электролитларда амперометрик титрлаш таклиф этилди.

2. Платинали микродискли анодда диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ва унинг металлкомплексларини вольтамперометрик табиати аниқланди ва уни турли металл ионлари учун аналитик сигнал сифатида қўллаш тавсия

этилди, шунингдек, унинг оксидланиш яримтўлқин потенциали фон ва сувсиз муҳитларнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ ҳолда 0,65 – 1,25В соҳада ётиши кўрсатиб берилди.

3. Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ионларининг микдорларини сувсиз муҳитда диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 ёрдамида амперометрик титрлашда реагентнинг платина дискли микроанодда электроксидланиши табиатига кўра қайтмас ва диффузион бўлган чегаравий анодли токнинг бир электронни бериши билан бориши ҳамда бу ток  $1 \cdot 10^{-2}$  -  $1 \cdot 10^{-5}$  М соҳада деполаризаторнинг концентрациясига тўғри чизиқли боғлиқликда бўлиши исботланди.

4. Pd(II), Ag(I) ва Hg(II) ни диэтиламино-4-метилгексин-2-ол-4 эритмаси ёрдамида индивидуал, иккиламчи, учламчи эритмалари таркибидан ҳамда реал табиий объектлар таркибига тақлид қилувчи мураккаброқ модели аралашмалардан аниқлаш учун ишлаб чиқилган амперометрик услублар метрологик баҳоланди ва нисбий стандарт четланиши 0,008, металл ионлари концентрациялари топилишининг қуйи чегаралари: Pd(II) -5 мкг/л, Hg-12 мкг/л ва Ag-9 мкг/л бўлиши аниқланди.

5. Турли объектлар таҳлилида палладий, кумуш ва симобни аниқлашнинг ишлаб чиқилган амперометрик титрлаш услублари Муборак газни қайта ишлаш корхонасида оқова сувлар таркибидаги металл ионларининг микромикдорларини аниқлашда қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 30/03.04.2022.К.78.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**САФАРОВА ГУЛЖАХОН ЭШТЕМИРОВА**

**БЕЗВОДНОЕ АМПЕРОМЕТРИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПАЛЛАДИЯ,  
СЕРЕБРА И РТУТИ С РАСТВОРОМ  
ДИЭТИЛАМИНО-4-МЕТИЛГЕКСИНА-2-ОЛА-4**

**02.00.02 – Аналитическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Термиз – 2023**

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером В2023.1.PhD/К412.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте и Национальном университете Узбекистан

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на сайте Ученого совета по адресу [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:	Сманова Зулайхо Асаналиевна Доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султонов Марат Мирзаевич Доктор химических наук, профессор Абдурахманов Илхом Эргашбоевич Доктор химических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «17» 06 2023 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании разового научного совета на основе научного совета PhD.03/30.04.2022.К.78.05 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете под №\_\_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан «02» 06 2023 года.  
(протокол рассылки № от «1» 02.06 2023 г.).



**З.З.Яхшиева**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.х.н., проф.

**Х.Р.Тиллаев**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.ф.х.н., доц.

**И.Э.Абдурахмонов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., доц. v

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской (PhD) диссертации по философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в настоящее время методы электрохимического титрования широко применяются для определения количества ионов цветных и редких металлов в различных природных и техногенных объектах. В соответствии с этим, важное значение имеют синтез новых комплексообразующих органических реагентов, определение их электрохимических, физико-химических, кислотно-основных свойств, большого количества синтезированных органических реагентов для разработки селективных, быстрых, методов электрохимического определения цветных и редких ионов металлов в виде внутренних комплексных соединений, получения новых производных с ценными аналитическими свойствами, отбор из них наиболее подходящих для аналитического метода и расширения области их применения в аналитических методах.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку электрохимических методов определения (выявления) ионов цветных и редких металлов. В связи с этим при определении ионов цветных и редких металлов в составе сточных вод производственных предприятий, природных и техногенных объектов отдельное внимание уделяется синтезу комплексообразующих органических реагентов, определению кислотно-основных свойств синтезированных органических реагентов в безводных и смешанных средах, с помощью комплексных соединений ионов цветных и редких металлов, а также разработке электрохимических методов контроля мельчайших количеств ионов металлов.

В нашей стране химическая промышленность достигла определенных результатов в направлении производства новых видов материалов, в частности, осуществляется широкий ряд мероприятий в области обеспечения местного рынка импортозамещающими химическими реагентами.

Следует отметить, что в нашей республике большое внимание уделяется внедрению научно обоснованной системы управления промышленными объектами и природоохранных мероприятий путём применения инновационных технологий. В Стратегии развития<sup>1</sup> Республики Узбекистан обозначены актуальные задачи, направленные на то, чтобы «на основе глубокой переработки местного сырья ускорить выпуск готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, качественно изменить виды новой продукции и технологий». Для решения этих задач в связи с широким применением в химической промышленности и народном хозяйстве нашей республики таких металлов, как золото, медь и ртуть, важное значение имеет создание селективных, эффективных, быстрых и дешевых «гибридных» методов их определения в составе промышленных отходов и сточных вод.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данная диссертационная работа служит для реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года № УП-5953 «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года № ПП-2831 «О дополнительных мерах по повышению эффективности проектных работ в базовых отраслях экономики, Постановление Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», Постановление Президента Республики Узбекистан от 29 сентября 2020 года № ПП-4845 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления деятельностью в сфере обращения с бытовыми и строительными отходами» и в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. "Химические технологии и нанотехнологии".

